



А.АТАЖАНОВНИНГ «ОЙ МУРАЛАЙДИ» ҲИКОЯСИДА МОНОЛОГ ВА ДИАЛОГЛАР

Ктайдекова Зулфия Кенгесбаевна
филология фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Ажиниёз номидаги Нукус давлат
педагогика институти

Аннотация: Мақолада таниқли қорақалпоқ ёзувчиси А.Атажановнинг ҳикоясидаги монолог ва диалогларнинг бадиийлик хизмати ҳақида сўз юритилган. Ҳикояда уришининг фожиявий оқибатида эридан айрилган ёш жувоннинг тақдирни тасвирангандан. Муаллиф асар персонажларининг ўзига хос характеристининг очишида, психологик ҳолатини тасвирашда монолог ва диалоглардан фойдаланиши маҳорати мисоллар асосда очиб берилган.

Калим сўзлар: ҳикоя, диалог, монолог, персонаж, эпизод, сюжет, зиддият.

Аннотация: В статье рассматриваются о художественных достоинствах монологов и диалогов в рассказы известного каракалпакского писателя А. Атаджанова. В рассказе описывается судьба молодого человека, потерявшего мужа в результате трагического избиения. На основе примеров раскрывается мастерство использования монологов и диалогов для раскрытия неповторимого характера героев авторского произведения, для описания их психологического состояния.

Ключевые слова: рассказ, диалог, монолог, персонаж, эпизод, сюжет, конфликт.

Abstract: The article talks about the artistic merit of monologues and dialogues in the story of the famous Karakalpak writer A. Atajanov. The story describes the fate of a young man who lost his husband as a result of a tragic beating. The mastery of using monologues and dialogues to reveal the unique character of the characters of the author's work, to describe their psychological state, is revealed on the basis of examples.

Key words: story, dialogue, monologue, character, episode, plot, conflict.

А.Атажанов ҳозирги давр қорақалпоқ адабиётида ўзининг қўргина насрый асарлари орқали оммага яқиндан танилган истеъдодли ёзувчилардан ҳисобланади. Ёзувчининг «Муаммо» («Машқала») номли қиссалар ва ҳикоялар тўплами унинг 50 йиллик юбилейига бағишлиб чоп этилган. Китобда қатор ҳикоялари ўрин олган бўлиб, асарларидаги ҳаётий воқеалар, чигаллашган ўткир зиддиятлар умр муаммоларидан туғилган ва ўзининг фалсафий ечимини топган. Шулардан бири «Ой муралайди» («Ай сығалайды») ҳикоясининг гояси иккинчи жаҳон урушининг фожиавий оқибатларини тасвирашга бағишлиган. Ҳикояда Курбангул кампир оиласидаги воқеалар, икки ёшнинг соф муҳаббати ифодаланган. Курбангул кампирнинг келини Гулбийнинг турмуш ўртоғидан “Қора қофоз” келса ҳам келин бўлиб, тушган уйидан қайнонаси билан қайнукасини ташлаб кетишни ҳоҳламаган ёш келинчак Гулбийнинг тақдирни асарнинг асосий сюжет марказида туради. Курбангул кампир кичкина уғли



Турдибой билан катта уғлининг хотини Гулбий иккаласининг жуфтлашиб, ҳар куни эрталаб ишга кетканидан, улар уйга қайтгунича тилагини тилаб, печнинг ёнида урчуғини эгириб ўтиради.

Эригадан “Қора қоғоз” келганига икки йил бўлсаҳам Гулбий келин бўлиб тушган уйидан кетишни ҳаёлига ҳам келтирмайди. Қурбангул кемпир келинини қўлидан чиқаргиси келмагани билан кичик уғли Турдибойга “Янгангга эгаллик этган айбмас” [1.179] деб айтишига оналик меҳри йўл қўймайди. Гулбий ўз қайнукасини ичидан пинҳона яхши кўргани билан, унга ҳеччима айтмайди.

А.Атажанов ҳикояларини ўрганиш орқали унинг ҳикоя яратишда ёзувчилик бой тажрибасини қўришимиз мумкин. Унинг ҳар битта асарида иштирок этувчи персонажлар ўзига хос характерининг очилишида, монолог ва диалогларнинг бадиийлик хизматини аниқлаш жуда долзарб жараён ҳисобланади.

Ҳатто, қўшни кампир ҳам Қурбангулнинг ҳаёлидаги фикрни ўртага ташлайди. Бу жараён уларнинг ўзаро диалогида намоён бўлади.

“Анови катта уғлинг бўлса...”. “У гапини давом этмай туриб қолди. Ундан ҳам совуқ хабар келди. Ўлганнинг кетидан ўлмак йўқ. Тирик банда тирикчилигини қилиши керак. Аммо, ушбу келинни...”. “Нима десан ҳам, қанча мақтасанг ҳам аёлнинг номи аёл ... Бир куни сахро кушидек қўлингдан учириб олмасдан аввал, бирнима қил? Ҳаракатини қил!

– Шунда менга қанақа маслаҳат бермоқчисан, нима қилай. Ақлим паришон. Ушбу кунлари олдим ҳам, кетим ҳам сув, кўк денгиз. Ботиб чўнғиб кетябман.

– Менинг сенга берадиган маслаҳатим, келинингни қўлингдан чиқарма! Кичик уғлингнинг бўйнига ил ва қишлоқ элни йиғиб бир куни никоҳини ўқит. Мумкин, уғлинг бошини олиб қочар. Унга кўнма. Охири рози бўлади. «Ака ўлса янга мерос» деган» [1.180].

Ҳикояда уч персонажнинг ҳам кўнгилдаги кечинмалари бир фикр атрофига жамланган. Ҳатто, юқоридаги мисолда қўшни кампир билан Қурбангулнинг диалогида ҳам ушбу фикирлар айқин ифодаланган.

- «Анови куни янгамнинг айтолмай юрган гапининг тўркини мана томонида экан-ов! Шунда бу кампир ким? Анқовлигимни қўябер, сира! Энди энди битта нарсанинг фарқига тушуниб келаётгандекман» [1.180]

Турдибайнинг бу ички монологи ғоявий мазмуни жиҳатидан монолог хотира турига киради. Ушбу монолог орқали қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини,



унинг ой-ҳаёлларини билдирган. Монологни ўзбек олими Т.Бобоев, «ички ва сиртқи монолог турларига ажратиб кўрсатади. Ички монолог ёрдамида қаҳрамон ўзининг сирли, яширин фикрларигача айтади. Монологлар ғоявий мазмунига кўра: монолог-хотира, монолог-муҳокама, монолог-орзу каби турларга бўлинади. Монолог-хотирада қаҳрамон ўз ўтмишини, бошидан кечирган кешиналар ва психологик ҳодисаларни эслайди» [2.175]. Юқорида келтирилган мисолда эса, Турдибой ўз бошидан кечирган кечинмани ва психологик ҳодисани эсига туширади.

Ёзувчи А.Атажанов ҳикояда ички монологни маҳорат билан фойдалана олган. Мисоли: «Йигитнинг боши арининг уясидек хувиллади.

– Нима қилсанкан? Нима қилганим маъқул болўр?! – деган саволни йигит ўзига шу соняда ўнтача маротаба такрорлади». [1.187].

Муаллиф ушбу ички монолог ёрдамида қаҳрамоннинг ҳаётидаги энг кескин лаҳзаларни моҳирлик билан ифодалаб берган. Профессор З.Бекбергенованинг таъкидлаб ўтганидек: «Асар воқеасини бошидан охиригача ёзувчининг фақат ўзи баён қила бермасдан қаҳрамонларни ўз гапи, ўзининг ҳатти-харакати орқали зиддиятга тушуриб ёхуд ўзи билан ўзини гапиртириб тасвиrlагандагина асар воқеалари китоб ўқувчисига таъсиран етиб борадиганлигини назарда тутади» [3.59].

Ёзувчи монолог танлашни ҳам ҳикояда жойида ишлатган. Масалан: «Гулбий базида битта ўзи уйда қолганида турлича ҳаёлга берилади. Шундай бўлса ҳам ҳаёlinи муайян даражада боғлай олмайди. Эгилиб, ийманиб тушган элим, қутлуғ останамдан бутунлай безиб, бошқа бирорга бошимни қовушсам, - деб иркилиб қолади – ўндан кўра қайнука... у ушбу сўзнинг кейинги буғинлпарини айта олмасдан ўзидан өзи ўргатилмаган, бошига бош ип тегмаган, асов тайчоқдек сапчиб чўчийди». [1.173] Муаллиф ушбу монолог таҳлилида Гулбий долзарб масала бўйича фикрларини умумлашитириб берган. Персонажнинг ички монолог ёрдамида Гулбийнинг пинҳона ҳаёллари очилган.

«Диалог – бу қаҳрамонларнинг бир-бiri орқали сўз билан муносабати. Унинг ушбу сўз орқали муносабатида фақат улар гаплашган сўзнинг ҳақиқатигина очилиб қолмасдан, унда қаҳрамоналарнинг характеристи, ички яшаб турган дунёси очилади» [4.149].

А.Атажанов ҳикояда диалогдан, яъни, икки персонаж орасида бўлган сұхбатдан ҳам маҳорат билан фойдаланган. Масалан: « – Янга, ўзинг ҳам эсон-омонмисан? Сени келмай қолармикан деб жуда тоқатсизландим, - деди йигит.



Йигит ушбу сўзларни бирданига айтиб солса ҳам сўнгра қаттиқ уялиб, йўзини бошқа томонга угириди. Гулбий қайнукасининг қип-қизил бўлиб кетган, лекин яноқигида йигитликнинг белгиси юқолмаган йўзига жилва билан назар ташлади ва озгина жилмайиб:

– Ҳали шунақами қайнука. Шунақа дегин деди. Озроқ туриб, гапини ўзи давом этди.

- Мен сизнинг уйдан кетолмайман, унга кучим етмайди, Қайнука, сиз ҳам мени соғинаркансиз-ку» [1.186].

Гулбий билан Турдибойнинг диалоги орқали уларнинг характерлари ички руҳий кечинмалари очилган. Яъни, ушбу эпизодта ёзувчи янгаси билан қайнукасининг психологик ҳолатини диалог ёрдамида ўқувчига бадиий тарзда ифодалаб берган.

Қўйидаги мисолда диалог орқали Турдибойнинг ўз қайлиги Шарифа билан қайирлашув эпизоди гавдаланган: «Бир маҳал қиз:

– Ушбу, сиз кимни мазаҳ қилиб юрибсиз, - деб йигитга жаҳл қилди. Шарифанинг товуши жуда аччиқ ва қаҳрли чиқди. — Оёғига ип тақиб ўйнайдиган анқовни ажаб топган экансан.

– Ҳа, бирдан тикга сапчиганинг нима? Айт, қани эшитайлик. Ичингда сақлагандан кўра, ташқарига чиқарганинг яхшироқ бўлар...

Кўп вақтдан сўнг тепадан тушгандек қилиб:

- Сен мени кечир ... Мени... мен бошқа бировни севиб қолдим. Мендан умидингни уз, - деди қиз» [1.181-182].

Йигит қайлиги Шарифа билан сўнгги учрашув эпизодини эсига тушириши орқали, у билан орани очиқ қилгани аниқроқ қилиб айтганда икки персонаж диалоги ёрдамида қизнинг муҳаббатига бевафолиги муаллиф томонидан асарнинг сюжет линиясига жуда мос тарзда киритилган. «Қаҳрамон муаллиф тили билан эмас, ўзининг тили билан ўзини танитади» [4.149].

«Кампирнинг ҳам тақоти тоқ бўлди. У куни-тун келинининг ғамли йўзига ойдек тикилиб, қош-қовоғини кузатади. Келинининг озгина қовоғи чимирилиб, ўпкаласа, кемпирнинг зарраси учиб, боласига билдирамасдан ҳаяжонланади. «Келин нимага қовоғини чимириб йўрибди» деб кампирнинг ичи ҳаяжонга тўлади» [1.173]. Ушбу монолог орқали Қурбангул кампирнинг келини Гулбийдан айрилиб қолишидан қўрқиш ҳолати, ички психологик ташвишланиши ифодаланган.

Ҳикоя қаҳрамонларининг диалогларида халқ мақол-мatalлари, афоризмлар, уларнинг шахсий характерини, руҳий дунёсини очиб беришга



хизмат қилган. Мисоли: «Янада «ўлик арслондан, тирик сичқон ортиқ» деган эмасми?» [1.174] Мисолда Гулбийнинг қайнукаси Турдибой аскарликтан эсономон қайтиб келганидаги қувончли лаҳзанинг, оиласдаги эркак кишининг кирибчиқиб йўришига жуда хурсандлиги иккинчи бир мақол билан ифодаланган. «Элда «тана жеккен тарықпас» деган бор... Бирданига «тўрт томонинг қибла, ўн икки мучанг бутун бўлиш қайда!» Нима бўлса ҳам ...» [1.186].

Келтирилган мисолдаги «тана жеккен тарықпас» мақоли орқали қайнукаси Турдибойда кўнгли бор эканлигини билдиrsa, «тўрт томонинг қибла, ўн икки мучанг бутун бўлиш қайда!» деган мақол орқали ушбу кунларига ҳам шукуrona қилаётгани кўзга ташланади.

Хулоса қилиб айтганда, А.Атажанов «Ой мурадайди» ҳикоясида қўлланилган монолог ва диалоглар асар сюжетини қизиқли ва мазмунли равишда ифодалашда, персонажлар характерини очища, қаҳрамонларнинг психологик ҳолатини тасвирлашда бадиий функцияни бажарган. Натижада, ёзувчи асар композициясининг ихчам ва сермазмун бўлишини таъминлаш билан бирга ўзининг шахсий индивидуал стилига эга ижодкор эканлигини кўрсата олган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Атажанов Э. Машқала. – Нөкис: «Қарақалпақстан», 1988. – 304 б.
2. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2002. – 560 б.
3. Бекбергенова З. Қарақалпақ романларында көркем сөз поэтикасы (1980-2010 жыллар). – Нөкис: «Билим», 2016. – 205 б.
4. Баҳадырова С. Роман ҳам дёйир. – Нөкис: «Қарақалпақстан», 1978. – 168 б.